

ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ

ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ

Ҳамракулов Жаҳонгир Бахтиёрович

Фарғона давлат университети

технологик таълим кафедраси ўқитувчиси

jahongirhamrokulov0@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада экоэтик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик зарурати, экоэтик билимларни ошириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, экоэтик масъулиятни қарор топтириш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: экология, этика, компетентлик, экологик этика, экологик онг, экоэтик масъулият, интеграцион таълим, экоэтик компетентлик, экологик хавфсизлик.

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПОТРЕБНОСТЬ В РАЗВИТИИ

ЭКОЭТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ

Хамракулов Жаҳонгир Бахтиярович

преподаватель кафедры технологического обучения

Ферганского государственного университета

jahongirhamrokulov0@gmail.com

Аннотация. В данной статье рассматривается педагогическая необходимость развития экоэтической компетентности, расширения экоэтических знаний, формирования навыков и компетенций, принятия решения об экоэтической ответственности.

Ключевые слова: экология, этика, компетентность, экологическая этика, экологическое сознание, экоэтическая ответственность, интегрированное образование, экоэтическая компетентность, экологическая безопасность.

**PEDAGOGICAL NEED FOR THE DEVELOPMENT OF ECOETICAL
COMPETENCE**

Hamrakulov Jahongir Bakhtiyarovich

Lecturer, Department of Technological Education, Fergana State University

jahongirhamrokulov0@gmail.com

Annotation

This article discusses the pedagogical necessity of developing ecoethical competence, expanding ecoethical knowledge, developing skills and competencies, and making a decision on ecoethical responsibility.

Keywords: ecology, ethics, competence, ecological ethics, ecological consciousness, ecological responsibility, integrated education, ecological competence, ecological safety.

Бизга маълумки, бугунги глобал экологик муаммолар табиатга ва атроф-муҳитга нисбатан юксак ахлоқий муносабатни тақазо қилмоқда. Табиатга ахлоқий муносабат унга масъулият, ғамхўрлик, виждонан ёндашишни талаб этади. Постиндустриал жамиятнинг шаклланиши экология билан боғлиқ муаммоларни, атроф-муҳит мувозанатини бузилишини тезлаштириб юбормоқда. Инсон ва табиат ўртасидаги экологик муносабат ҳам ҳар иккисининг нисбатан мустақил мавжудлигини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Табиатдаги айрим ўзгаришлар ва тикланмас жараёнлар биосфера мувозанатига салбий таъсир кўрсатиб “экологик хавф”, “экологик инқироз”, “экологик ҳалокат”ни юзага келтириш хавфи пайдо бўлмоқда. Мана шундай вазиятда жаҳонда экологик этикани шакллантириш, табиатга, атроф-муҳитга ва умуман экотизимга юксак ахлоқий мезонлар асосида муносабатда бўлиш, масъулиятни ошириш, асраб-авайлаш ва соф виждон билан қараш зарурати ортиб бормоқда.

Бунинг учун эса, ўқувчи-ёшларда ва талабаларда, умуман жамиятнинг барча қатламлари орасида экоэтик билимларни ошириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларда табиатдан оқилona фойдаланиш дунёқарашини ўстириш, экоэтик масъулиятни қарор топтириш зарур.

Экологик этикани жамиятда ижтимоий дунёқараш сифатида шакллантириш уларда экологик ҳалокатнинг олдини олишда, янги глобал экологик муаммоларнинг юзага келишидан асрашда, умуман, инсоният олдида экологик хавф-хатарларнинг юзага келишидан огоҳ этишда самарали восита ҳисобланади. Бунинг учун олий таълимда экологик этикани ўқитишни такомиллаштириш, экологик муаммоларга инсониятнинг муносабатини аниқ намоён қилувчи ижтимоий ҳаракатларни ривожлантириш ва шу билан бирга бўлажак кадрларда табиатга компетентли муносабатда бўлишни, экоэтик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш талаб этилади.

Миллий таълимнинг барча босқичларида экологик таълимни тизимлашган, регионаллашган ва ихтисосликка томон йўналтирилган тарзда ташкиллаштириш ёшларни тез ўзгарувчан ҳаёт, жумладан, меҳнат фаолиятига тайёрлаш компетенциясини оширади, кенг мушоҳадали, мустақил тўғри қарорларни қабул қилиш, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва толерантлик хислатларини намоён қилиш орқали уларни юксак маънавиятли ва маърифатли шахс сифатида тарбиялашда жуда катта аҳамият касб этади.

Бугун табиатнинг софлигини, табиий гўзаллигини асраш учун барча жалб этилмоқда, турли жамоат ташкилотлари тузилмоқда. Экология атроф-муҳитнинг сифат ҳолатини белгиловчи омил бўлганлиги учун у иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам кириб борди. Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланди. Айниқса, Марказий Осиё давлатларида табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ривожланмоқда ва такомиллашмоқда, генофондни барқарор ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ҳамда фуқароларнинг мақбул атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни кафолатлайдиган халқаро конвенциялар, шартнома ва битимларга қўшилиш жараёни давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик стратегияси, дунё халқларнинг анъанавий шаклланган умумий экологик ҳаёт тарзи, уларнинг миллий хавфсизлик манфаатлари, суверенитетлигини эътиборга олиб, гуманистик ва демократик тамойиллар асосида ёндашиш зарур.

Экологик этиканинг вазифаси “инсон табиатга ҳоким деган манфаатлар асосига қурилган ноинсоний муносабатларга асосланган эскича қарашдан воз кечиш ҳамда табиат фақат инсон учунгина эмас деган янги экологик дунёқарашни шакллантиришдир. Чунки фан-техника инқилоби шароитида табиат бойликларидан кенг миқёсда фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат ва маиший чиқиндиларнинг ортиши инсоннинг табиатга кўрсатаётган салбий таъсирини кескин кучайтирди. Наботот ва ҳайвонот оламининг айрим турлари йўқолиб бормоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида табиатни муҳофаза қилиш глобал муаммога айланди”. Инсоннинг табиатга ахлоқий муносабати маълум маънода ана шу муаммони ҳал этишга боғлиқдир.

Жамиятнинг янги ривожланиш босқичида экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатлари олдини олиш борасида муайян

тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишни, бу борада давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Зотан соғлом ва гўзал атроф-муҳит муҳофазаси давлатнинг, ҳар бир фуқаронинг энг муҳим вазифасидир.

Дарҳақиқат, инсон онгида ва қалбида она табиатга меҳр туйғулари жўш урмас экан, одамлар вақтинчалик иқтисодий, моддий манфаатларини табиатни асрашдан устун қўяверади: атроф-муҳит ифлосланса ҳам, одамлар захарли чиқиндилардан касалланса ҳам, завод, цех ёки фирма эгалари табиатни захарлашни давом эттираверадилар. Табиатга ахлоқий-эстетик муносабатни шакллантиришга ёрдам берувчи барча воситалардан унумли фойдаланиш давр талабидир. Айниқса инсонларни табиатни муҳофаза қилишга даъват қилувчи соф экологик мазмун касб этувчи тарихий манба ўзбек халқининг мустаҳкам диний эътиқоди ва тарихан шаклланган миллий тарбия асослари муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сон Фармони.
2. Абдуллаев З. Экологические отношения и экологическое сознание. Тошкент: Зиё. – 2004.
3. Нигматов А., Абдуназаров Л., Мухамедов Ш. Касбий экологик таълим ва тарбия. Тошкент: Иқтисодиёт-молия. – 2016.
4. Нигматов А.Н., Абдуназаров Л.М., Мухамедов Ш.Н. Касбий экологик таълим ва тарбия.— Тошкент: Iqtisod-Moliya. – 2016.
5. Хошимова И. Диалектика глобального, регионального и локального в экологии: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент. – 1992.